

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 24 ноябрь, № 247 (7749) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 23 ноябрь куни Тошкент шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид концепция тақдимоти билан танишди.**

Пойтахтимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кўпайиб бормоқда. Охирги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 баравар ошган.

Шунга мос равишда транспорт инфратузилмаси ҳам ривожлантирилмоқда. Янги йўллар, кўприклар, ер усти метроси қурилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Тошкент метрополитенининг "Юнусобод" йўналишида 2 та станция ҳамда ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилди. Жамоат транспортида 56 та йўналиш мақбуллаштирилди. Булар натижасида 170 минг аҳолининг транспорт хизмати яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ўртача 15 — 20 дақиқага қисқарди.

Лекин пойтахтимиз кўчаларида юклама кўп, йўл ҳаракатини тартибга солишда камчиликлар етарли. Транспорт воситалари тирбандлиги йилдан-йилга ортиб бораётир.

Шу боис давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тизими ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича топшириқ берган эди.

Пойтахтимиз кўчаларидаги муаммолар комплекс ўрганиб чиқилди. Геоинформацион тизим орқали транспорт ва йўловчилар оқими тадқиқ қилинди.

Тақдимотда ана шу таҳлиллар натижалари ҳақида ахборот берилди.

Тошкент шаҳрида 500 дан зиёд катта чорраҳалар мавжуд бўлиб, уларнинг 200 тасида транспорт воситаларини тезкор ўтказиш даражаси паст. Автомобиль тўхташ жойлари етишмаслиги сабабли йўлнинг биринчи қаторида машиналар йиғилиб, қатновга халақит бермоқда. Ҳайдовчилар учун маълумот белгилари ҳам етишмайди. Пиёдалар ва велосипедлар ҳаракати учун қулайлик кам.

Шу каби комплекс таҳлиллар асосида Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмаси ва жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича бош режанинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хусусан, пойтахтдаги 24 та йирик чорраҳанинг ҳаракатланиш тартибини оптималлаштириш, бу орқали ўртача тўхташлар сонини 71 фоиз ва вақтини 48 фоиз, тирбандликни 64 фоиз, ёнилғи сарфини 34 фоизга камайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Тошкент шаҳрида жамоат транспортини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари йўловчи ташиш хизматларидан аҳоли мутлақо норози эканини таъкидлади. Масалан, 79 та йўналишдаги автобуслар интервали тиғиз пайтларда 30 минутгача кечикмоқда. Оқибатда одамлар бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишни афзал билмоқда. Бугунги кунда шаҳар жамоат транспортида бор-йўғи 33 фоиз йўловчи юрмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида бу кўрсаткич 60 — 70 фоизни ташкил этади.

Шу боис мавжуд инфратузилмани яхшилаб, жамоат транспорти ҳаракатининг тезлиги ва аҳоли учун қулайлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Давлат раҳбари жамоат транспорти тизимида янги бошқарув услубини жорий этиш, метрополитен, автосаройлар ва йўналишли такси корхоналарини бир-бирига боғлаш, ахборот технологиялари асосида уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш кераклигини таъкидлади.

Бунинг учун метрополитенни бошқариш ҳамда "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятининг буюртмачи ва назорат функциялари шаҳар транспорт бошқармасига ўтказилади. Молиялаштириш ҳам бошқарма томонидан амалга оширилиб, транспорт корхоналарига ҳақиқий бажарилган иш ҳажми, босиб ўтилган масофага қараб маблағ ажратилади.

Мутасаддиларга Тошкент шаҳар жамоат транспортини ягона тизим асосида тартибга солиш, молиялаштириш ва табақалашган тарифларни белгилаш бўйича вазифалар қўйилди.

Тирбандлик кузатилаётган кўп қаторли йўлларнинг бир қисмини жамоат транспорти учун ажратиш, марказий кўчаларда паркоматлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, пиёдалар ва велосипедлар йўлакчаларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

"Тошшаҳартрансхизмат" жамиятини тўлиқ трансформация қилиш, Тошкент давлат транспорт университети фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жамоат транспорти тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Тошкентдаги тажриба асосида бошқа шаҳарларда ҳам йўл-транспорт тизимини қайта кўриб чиқиб, марказий кўчаларни намунавий тарзда ўзгартириш, хусусан, Самарқандда жамоат транспортини оптималлаштириш, аҳоли ва туристлар учун қулай шароит яратиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** 11 ноябрь Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 23 ноябрь
№ ЎРҚ—648

■ Президент ташрифидан сўнг

# ҒОЗҒОН МАРМАРИ

## ТОШЛАРДА АКС ЭТГАН САНЪАТ



Тошга ишлов бериш инсон ўрганган илк ҳунарлардан бири ҳисобланади. Ибтидоий жамоа тузуми даврига тегишли Учтут (Навбаҳор тумани)даги Чақмоқтош кони бунинг яққол далили. Бироқ юртимизда мазкур йўналиш ўшандан буён деярли ибтидоий кўринишда қолганлигига яқин-яқинларгача Ғозғонда гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг ноябрь ойида Навоий вилоятида бўлганида ҳудудни ривожлантириш бўйича улкан режаларни баён этаркан, Ғозғон мармари асосида тошга ишлов беришнинг йирик қурилиш материаллари саноати мажмуасига асос солиш ва ривожлантириш имкониятларига эътибор қаратди. Харсангидан ушоғигача ноёб қурилиш ашёси бўлган бу мармар халқимизнинг наинки моддий, балки маънавий бойлиги ҳам эканлигини алоҳида таъкидлади...

Ғозғон мармари ҳақида гап кетса, Москва, Прага, Киев, Тошкент метрополитени бекатлари, Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ва яна ўнлаб муаззам иншоотлар кўз ўнгимизга келади.

Ғозғондаги ўнинчи асрга тегишли ёдгорлик Шоҳимардон мақбараси эса ҳудуд мармари мустаҳкамлиги ҳамда қурилиш ва меъморчиликдаги ишлов-боплиги нақадар кенглигининг ёрқин далилидир.

Мажмуа Марказий Осиёда Мавритания усулида қурилган илк меъморчилик обидаларидан бири ҳисобланади. Улкан мармар устунларга мутаносиб равишда терилган равоқ ва пештоқлар аждодларимиз математика, геометрия, кимё ҳамда физика каби фанларнинг нақадар билимдони бўлгани ва улардан меъморчиликда заргарона фойдаланганидан далолатдир.

3-саҳифага қаранг

Олий Мажлис Сенатида

## МАМЛАКАТИМИЗДА АНТИКОРРУПЦИОН ҲАФТАЛИК ЎТКАЗИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган йиғилишни Олий Мажлис Сенати Раиси, миллий кенгаш раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

Тадбирда кенгаш аъзолари, сенаторлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот муассасалари мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда миллий кенгаш ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан амалга оширилган ишлар муҳокама этилиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда соғлиқни сақлаш ҳамда давлат харидлари йўналишида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятлари муҳокама этилди. Бу бўйича масъулларнинг тегишли ахборотлари эшитилди.

Тадбирда ишчи гуруҳлар билан максимал даражада ишлаш ва албатта, кўзланган мақсадга эришиш кераклиги, айнан ушбу йўналишлар коррупциядан холи "намунали соҳа" бўлиши ва бунинг тажрибаси бошқа барча тармоқларга татбиқ этилиши лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, йиғилишда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва миллий кенгаш иш режасига кўра ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича "Йўл харитаси" лойиҳаси кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунига бағишланган Антикоррупцион ҳафталикни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

*Асосий Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.*




Шу нуқтаи назардан, Конституциямизда яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳамда шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги, сайлов ҳуқуқи, мулкдор бўлиш, билим олиш, эркин касб танлаш, меҳнат қилиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби инсоннинг қобилият ҳамда имкониятларини тўла рўёбга чиқариши учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда бошқа умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларнинг қоидаларига мос тарзда кафолатлаб берилган.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш баробарида, Конституциямиз қоидалари ҳам давр талабларига биноан изчил такомиллаштирилиб борилмоқда.

→ 3

Долзарб мавзу

## ҚУРИЛИШНИНГ ҚАЛДИРҒОЧ КЛАСТЕРИ



### нафақат самарали, балки ўрнак ҳам бўлиши керак

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодий инфратузилмасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Зеро, бундан кўзланган асосий мақсад — битта. У ҳам бўлса, иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини кескин ошириш йўли билан одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, эл фаровонлигини таъминлаш.

Хусусан, саноатда амалга оширилаётган жиддий ислоҳотлар айни шу эзгу мақсадга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Ёки қишлоқ хўжалиги соҳасини олиб кўрайлик. Бугунги кунда аграр тармоқда фаолиятнинг мутлақо бошқа, замон ҳамда тараққиёт талабларига жавоб берадиган шаклига ўтиляпти. Ва бу йўлдаги одимлар тобора жадаллашиб боряпти.

→ 4

■ Муносабат

## ХАЛҚНИНГ РОЗИ БЎЛИШИ ТИББИЕТ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва саноат корхоналари фаолияти билан танишди. Жумладан, ташриф доирасида Яшнобод туманидаги Технопаркда бўлди. Давлатимиз раҳбари шу ерда пойтахтимизда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва педагоглар билан мулоқот қилди.*

*Учрашувда мутасаддиларга берилган вазифалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.*

**Азиз НИЗОМОВ,**
**Олмазор тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси бош шифокори:**

— Учрашувда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибасини жорий этиш, тиббиёт муассасалари шароитини яхшилаш бўйича фикрлар билдирилди.

→ 2

# ХАЛҚНИНГ РОЗИ БЎЛИШИ ТИББИЁТ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

1

Дарҳақиқат, бугун юртдошларимиз орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, касалликларни эрта аниқлаш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Жумладан, аҳоли орасида қандли диабет, семизлик ёки артериал гипертония касалликларига қарши курашиш бўйича скрининг текширувларини ўтказишимиз лозим. Биргина Олмазор туманидаги ҳолатга назар ташлайдиган бўлсак, туман марказий кўп тармоқли поликлиникасига қарашли 32 минг аҳолининг 14 фоизида семизлик бор. Бу нима дегани? Бу эртага туманнинг хавфли ҳудудга кириши, касалликнинг кўпайиши дегани.

Президентимиз қўяётган талаблардан келиб чиқиб, ўз олдимизга шундай мақсадни белгиладикки, аҳоли орасида касалликларни эрта ташхислаш, профилактика қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш энди бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз бўлади.

Учрашувда болалар орасида сил касаллиги билан касалланиш ортгани айтилди. Бу муаммони бартараф этиш, ушбу касалликни эрта диагностика қилиш мақсадида Тошкент шаҳрига флюроаппарат автомобили хариди бўйича таклиф билдирилди. Давлатимиз раҳбари ушбу таклифни қўллаб-қувватлади. Бундан биз, тиббиёт ходимлари жуда мамнун бўлдик. Чунки шу вақтга қадар беморларга “шифохонага боринг, диагностика қилинг”, дердик. Флюроаппарат автомобилининг олиб келиниши натижасида ушбу чора-тадбирларни айнан бирламчи бўғиннинг ўзида амалга ошириш имконияти яратилади.

**Нилуфар ҲУСАНБОЕВА, Яккасарой тумани халқ таълими бўлими мудири:**

— Президентимиз янги Ренессанс даврига қадам қўйишда таълим ва тиббиёт соҳаларида қандай ишларни амалга оширишимиз лозимлиги ҳақида биз билан дилдан суҳбат қурди.

Давлатимиз раҳбари тиббиёт ва таълим — давлат ва халқ ўртасидаги адолат кўприги эканлигини таъкидлаб, ҳаммамиз ўзимизни қийнаб, ҳалол бўлиб, бу тизимларни тўғрилаб олсак, ана шунда адолат таъминланишини, халқимиз рози бўлишини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, юртдошларимиз фарзандларининг сифатли таълим-тарбия олишини, ўз касбининг фидойи, етук мутахассиси бўлиб улғайишини истайди. Бунинг учун айнан бугун таълим тизими ўзгариши, юқори даражадаги талабларга жавоб бериши лозим.

Учрашувда соҳани янада ривожлантириш учун педагогларимиз нима иш қилиши кераклиги, туман халқ таълими бўлими қандай чора-тадбирларни амалга ошириши зарурлиги, дарсликларимиз, методик қўлланмаларимиз қайси мезонларга мос бўлиши лозимлиги бўйича кўрсатмалар берилди. Тизимга илғор хорижий технологияларни жорий этиш, болаларнинг мактабданоқ бирор касб-ҳунарга оид билимларни эгаллаши, уларнинг катта ҳаётга тайёр бўлиши зарурлиги юзасидан тегишли топшириқлар берилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

Фикр

# ЯНГИ ҚОНУН БИЗГА НИМА УЧУН КЕРАК?

Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги қонун миллий қонунчилигимиз учун янгилик ҳисобланади.

Мамлакатимизда барча соҳада ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда. Шахсга доир маълумотлар йўналиши ҳам бундан мустасно эмас. Эски фуқаролик паспортлари ўрнига биопаспортларнинг жорий этилиши, эндиликда мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан шахсларнинг геном ахбороти маълумотлар базасининг яратилиши соҳага киритилаётган янгиликларнинг яққол далилидир. Геном маълумотлар базасининг яратилиши суриштирув, тергов ва суд органларининг ишини бирмунча енгиллаштиришга хизмат қилади. Экспертизалар сифати ҳамда натижадорлигини оширади.

Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, мазкур қонунни қабул қилишнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини англашимиз мумкин.

Мисол учун, 2019 йил ва 2020 йилнинг 9 ойи давомида 720 та оғир, 207 та ўта оғир турдаги жиноятлар фош этилмаган. Бундан ташқари, шу йилнинг 9 ойи давомида бедарак йўқолган 367 фуқаро топилмаган ҳамда 224 номаълум мурданинг шахси аниқланмаган.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчилар ҳодиса жойларида ўз изларини қолдирмаслик мақсадида турли усуллардан фойдаланмоқда. Бироқ ҳозирги кунда содир этилаётган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар тўлиқ фош қилиниши ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашни талаб этади. Фош этилмаган жиноятлар эса, ўз навбатида, жиноятчиларда жазоланмаслик ҳиссини кучайтириб, жиноий фаолиятини давом эттиришга имкон беради.

Шу нуқтаи назардан, мазкур қонун қабул қилиниши соҳага замонавий усул ва технологияларни жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, чет эл тажрибаси жиноятчилик билан курашишда геном ахбороти маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни фош қилиш муҳим аҳамият касб этиб, юқори самара бераётганлигини кўрсатмоқда.

Жиноят содир қилишга



мойил бўлган шахсларни биометрик маълумотлар асосида криминалистик ҳисобга олиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали шаклларидан бири ҳисобланади. Агар шахс ўзининг барча биометрик маълумотлари қонунийлик асосида давлат рўйхатига олинганлигини ҳис этса ва ҳар қандай жиноий қилмиши фош бўлишини олдиндан англаб етса, аксарият вазиятларда жиноят қилишдан қайтариши мумкин.

**Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ЭЪТИБОР ИЖОДКОРЛАРГА ҚАНОТ БЕРАДИ

*Ҳар қандай миллатнинг қиёфаси унинг маданияти, адабиёт ва санъатга муносабати билан белгиланади. Шу боис жаҳонга юз очмоқчи бўлган халқлар маданият, маънавият, маърифат, адабиёт ҳамда санъатга юксак эътибор қаратади.*

## Акс садо

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги бунёдкорликлар билан танишиш жараёнида “Ўзбекфильм” киностудиясига ҳам ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар билан танишгани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари кино санъати фахрийлари, режиссёрлар, соҳа мутасаддилари билан учрашувда мамлакатимиз кино индустриясини янада ривожлантириш ҳақида ҳаётбахш фикр-мулоҳазаларни, таклиф ва ташаббусларни илгари сурдики, уларнинг ижроси жараёнида халқимизга ёқадиган савияси баланд фильмларни тасвирга олиш имконияти яратилади. Жумладан, ижодкорларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, моддий-техник базани замон талабларига мослаш, соҳада муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш шулар жумласидандир.

Миллий кинематографияни бугунги замонга мос ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда сезиларли қадамлар ташланди. Хусусан, “Кинематография тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача кинематографияни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда ўзбек кинематографиясининг стратегияси, кино индустриясини ривожлантириш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Тан олишимиз керак, “Ўзбекфильм” узоқ йиллар давомида таъмирталаб ҳолда, яримқувватда ишлаб келди. Павильонларда шароит йўқ, нураган хоналар қандайдир нурсиз ва файзсиз эди. Бу ҳолатда ижодий муҳит ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Устига-устак, эскирган техник ускуналар сифатли киноасарлар яратишда қийинчиликлар туғдирар эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳага катта маблағ йўналтирилди. Хусусан, “Ўзбекфильм”даги барча павильон таъмирланиб, янги картиналар суратга олиш учун шароит яхшиланди. Мазкур киностудия ва ҳужжатли фильмлар студиясини замонавий техникалар билан жиҳозлаш давом этмоқда.

— Президентимиз учрашувда юртимиз тарихига бағишлаб кўп қисмли фильмлар яратиш кераклигига алоҳида эътибор қаратди, — дейди учрашув иштирокчиси, санъатшунослик фанлари доктори, киношунос Нигора Каримова. — Авваллари кино соҳасида мавзулар чекланган, хусусан, тарихий фильмларга эътибор йўқ ҳисоби эди. Бугун эса ижодкорларга эркинлик берилди. Натижада киноасарлар мазмуни ҳам ўзгарди. Хусусан, “Имом Термизий”, “Исломхўжа”, “Элпарвар”, “Қўқон шамоли”, “101”, “Ибрат” каби тарихий фильмлар ишланди.

Учрашувда энг сара ўзбек фильмлари 100 талигини тузиб, давлат ва хусусий телеканалларда намойиш қилиш бўйича тавсиялар берилди. Президентимиз миллий кино санъатимиз фидойиларини эътироф этиш мақсадида ҳар бир ҳудуд умумтаълим мактабларига Раззоқ Ҳамроев, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Лутфихоним Саримсоқова каби эл севган ижодкорлар номини беришни таклиф қилди.

Жаҳон кино саноати ютуқларини ўрганиш ва татбиқ этиш, ижодкорлар малакасини ошириб бориш, хусусан, ёшларни хорижнинг илғор олий таълим муассасаларида ўқитиш бўйича фикрлар билдирилди. Шунингдек, болалар учун киностудия ташкил килиш ғояси ҳам илгари сурилди.

Ўзбек киноси тарихига эътибор зарурлиги таъкидланди. Болалар учун фильмлар яратилиши зарурлиги ҳам айтиб ўтилди. Киноакадемия, кино институти ташкил этилиши бўйича ҳам таклифлар билдирилди. Албатта, бундай эътибор эндиликда яратилаётган фильмларнинг юқори савияда бўлиши кераклигини ҳам тақозо этади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бугунги кунда адабиёт ривожига кўрсатилаётган ғамхўрлик кино санъати равнақида ҳам муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Зеро, киноижодкорлар адабий асарларга суяниб иш кўрса, албатта, халқимизнинг диди-савиясига жиддий ижобий таъсир ўтказадиган фильмлар ярата олади. Буни дунё тажрибаси ҳам яққол кўрсатади.

**Шойим БЎТАЕВ, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Бадиий кенгаши аъзоси.**

# МУАММОЛАРНИ ЎША ЖОЙНИНГ ЎЗИДА ҲАЛ ҚИЛИШГА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛАДИ

***Олий Мажлиснинг юқори палатасида давлатимиз раҳбарининг “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

## Семинар

Мазкур қарор билан турли йўналишлар бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланиб, амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар ва чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланган. Шунингдек, уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор имтиёз ҳамда енгилликлар ҳам берилган.

Ҳужжатда Олий Мажлис Сенатига масъул вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари билан биргаликда дастур доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини таъминлаш, юзага келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш ва аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ҳамда туманларига ҳар ойда чиқиш тизимини яратиш каби вазифалар белгиланган. Бунда Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан биргаликда ўз фаолиятини бевосита қорақалпоқ ҳудудида ташкил этиш ҳамда соҳага оид муаммоларни шаҳар ва туманларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда жойида ҳал этиб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалалари топширилган эди. Семинар иштирокчилари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Жумладан, 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш, қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган тадбирларни ўтказиш, ҳал этилмаган долзарб муаммолар рўйхатини шакллантириш, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган оилалар билан тизимли ишлаш механизмига алоҳида эътибор қаратиш, мавжуд муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб бориш лозимлиги айтилди.

Амалга оширилаётган ишларни кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситалари ҳамда фаол блогерлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, маълумотларни очиқ тақдим этиш зарурлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанларнинг қайд этишича, муаммоларни аниқлашда фуқаролар билан сайёр мулоқотлар олиб бориш, маҳаллий Кенгашларда ҳал қилинмаган масалаларни эса Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси йиғилишлари муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда қўмиталар томонидан туманлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ўз йўналишларига тегишли бўлган соҳаларда олиб борилган ўрганиш натижалари якунлари бўйича умумлаштирилган таклиф ҳамда тавсияларни ўз ичига олган маълумотномани Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасига тақдим қилиш ва ҳудудга бириктирилган вазирликлар, идоралар, банк раҳбарлари ҳамда ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг иш фаолияти юзасидан таклифлар киритиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, ушбу йўналишларда белгиланган ишларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

# САЙЛОВЧИ ЎЗ ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТИБ БОРАДИ ВА БАҲОЛАЙДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан “Электрон парламент” ахборот тизимининг роли ҳамда аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

## Қонунчилик палатаси қўмитасида

Видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, Девони ходимлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида қўмита раиси Илҳом Абдуллаев парламент фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, депутатлар корпуси ишининг самарадорлигини ошириш, қабул қилинган қонунларни ижрочиларга етказиш ва халқ билан мулоқотни уюштиришнинг самарали механизмларини ривожлантиришда “Электрон парламент” ахборот тизимининг роли муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шундан сўнг Ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ бош директори Эмиль Гимранов “Электрон парламент” ахборот тизими доирасида ишлаб чиқилган **oliymajlis.gov.uz**, **deputat.gov.uz** ҳамда **qonun.gov.uz** тизимларининг ҳуқуқий асослари, уларда қўйилган талаблар ва бошқа ташкилий масалалар тўғрисида маъруза қилди.

Қонунчилик палатаси Девонининг ахборот-коммуникация технологиялари бўлими ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ходимлари тадбир иштирокчиларига ишлаб чиқилган тизимларнинг имкониятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича тушунтиришлар берди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси электрон ҳужжат айланиш тизими интернет тармоғида **oliymajlis.gov.uz** домени остида фаолият юритади ҳамда тизим маъмурлари томонидан олдиндан бириктирилган роллар асосида ўз шахсий кабинетларига киради.

Шахсий кабинет имкониятлари фойдаланувчига бириктирилган ролларга боғлиқ бўлиб, фойдаланувчи бир пайтнинг ўзида бир нечта ролларга эга бўлиши мумкин.

Электрон ҳужжат айланиш тизими “Электрон парламент”нинг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, барча амалий жараён айнан шу тизимда бажарилади ва барча маълумот унда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси депутатлар портали интернет тармоғида **deputat.gov.uz** домени остида фаолият юритади. Портал, асосан, аҳоли учун мўлжалланган бўлиб, у орқали портал сайловчига унинг Қонунчилик палатасидаги депутатини (сайловчининг доимий яшаш манзили асосида) аниқлаб беради.

Сайловчи бевосита ўз депутатига мурожаат юбориши, онлайн чат орқали суҳбатлашиши, шунингдек, айни пайтда депутат қайси қонун лойиҳаси билан банд эканлиги, фаолияти билан боғлиқ статистик маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланувчи томонидан юборилган мурожаат ва сўров автоматик тарзда Қонунчилик палатаси электрон ҳужжат айланиш тизимидаги депутатнинг шахсий кабинетига келиб тушади. Депутатнинг мурожаат ва сўровга жавоби, мурожаат асосидаги депутатлик сўрови сайловчи кабинетига автоматик тарзда йўналтирилади.

Сайловчи депутатнинг жавобини 5 баллик мезонда баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Қонун ижодкорлиги тизими интернет тармоғида **qonun.gov.uz** домени остида фаолият юритади. Тизимнинг асосий вазифаси аҳолига Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари, уларнинг ҳолати ҳамда улар юзасидан овоз бериш натижалари ҳақида маълумот тақдим этиш саналади.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди ҳамда ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

**«Халқ сўзи».**

# МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ҚАНЧАЛИК ЖОЗИБАДОР?

*Қўмитамиз томонидан махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ўрганиш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан ўтказилган суҳбат натижалари мамлакатимиз махсус иқтисодий зоналарининг инвестициялар жалб этувчанлигини камайтирувчи омиллар мавжудлигини, маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларни ўйлантираётган бир қатор муаммоли масалалар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди, натижада соҳадаги муаммоларни жиддий кўриб чиқишга ундади.*

Биринчи навбатда, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилик ва номувофиқликлар, шунингдек, уларнинг давлат органлари томонидан турли хилда талқин этилишидир. Махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришга доир узоқ муддатли стратегиянинг йўқлиги, ваколатли давлат органлари томонидан инвестиция аризаларини кўриб чиқиш жараёни чўзилиб кетиши, асоссиз бюрократик тўсиқлар ҳамда маъмурий чекловларнинг мавжудлиги шулар жумласидан.

Бундан ташқари, давлат раҳбари ташаббуси билан яратилган қулай шарт-шароитларга қарамай, махсус иқтисодий зоналар, афсуски, хорижий инвесторлар ва тадбиркорларни ўзига жалб этувчи марказларга айланмаганлиги, улар томонидан илғор технологиялар асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш кутилган даражада натижалар бермаётганлиги танқид остига олинди.

Айниқса, махсус иқтисодий зоналар ҳудудида ваколатли давлат органлари томонидан ҳозирги вақтга қадар муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, электр энергияси, газ, совуқ сув, канализация ва ижтимоий инфратузилма сифати, хорижлик инвесторлар, ишчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик визалар олишнинг соддалаштирилган тартиби билан боғлиқ масалалар ҳал қилинмаганлиги қайд этилди.

Шу жиҳатдан, мамлакатимиз махсус иқтисодий зоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қабул қилинаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига



парламент сўрови юбориш масаласи кўриб чиқилди ва барча Сенат аъзолари буни бир овоздан маъқуллади.

**Анвар ТЎЙЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси 16 — 22 ноябрь кунлари Америка Қўшма Штатларида бўлиб, Ўзбекистон — АҚШ сиёсий маслаҳатлашувининг саккизинчи даврасида иштирок этди.*

## Ҳамкорлик

Тадбирда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишнинг бориши муҳокама қилинди. Мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ устувор йўналишлар белгилаб олинди.

АҚШ томони Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган, мамлакат ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олувчи кенг миқёсли ислоҳотлар натижаларига юқори баҳо берди. Юртимизнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, мажбурий меҳнатга қарши курашиш, диний эркинликни таъминлаш бўйича ислоҳотларни амалга оширишдаги муҳим ютуқларини, жумладан, Ўзбекистоннинг 2021 — 2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланганини мамнуният билан эътироф этди.

Сиёсий соҳада Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги тизимли ва барқарор тус олгани қайд этилди. Халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама тузилмалар доирасидаги шерикликнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилди.

COVID-19 инқирозининг иқтисодиётга жиддий салбий таъсири қайд этилиб, АҚШ глобал пандемия оқибатларига қарши курашда Ўзбекистонга ёрдам бериши тасдиқланди.

Америка томонига БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ташаббусларнинг концептуал аҳамияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

“C5+1” шакли минтақавий ҳамкорликни илгари суриш, биргаликдаги ишларнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишда муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиёнинг глобал транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциялашувини таъминлаш ҳамда минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестиция ва энергетика соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш бўйича амалий чораларни кучайтириш масаласига урғу берилди.

“Ўзбекистон — АҚШ — Афғонистон” уч томонлама ҳамкорлик шакли доирасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Афғонистонни Марказий Осиёдаги савдо-иқтисодий ва интеграция жараёнига фаол жалб этиш ҳамда ушбу мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширувчи инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ушбу заминда мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг муҳим шарти экани қайд этилди.

Музокаралар якуни бўйича ҳар йили ўтказиладиган икки томонлама маслаҳатлашув шаклини Стратегик шериклик мулоқотига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мулоқотнинг таъсис йиғилишини 2021 йили Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Ташриф давомида Ўзбекистон делегацияси бир қатор учрашув ва музокараларда иштирок этди. Жумладан, АҚШ мудофаа вазири вазифасини бажарувчи Кристофер Миллер, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Мэтью Поттингер, давлат раҳбарининг ташқи сиёсат бўйича ёрдамчиси, миллий хавфсизлик бўйича вице-президент маслаҳатчиси Кейт Келлог, Президент ёрдамчиси, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кертис, АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси, демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бюроси раҳбари Роберт Дестро, АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси, Давлат департаменти хотин-қизлар глобал масалалари бўйича идораси раҳбари, махсус топшириқлар бўйича элчи Келли Кюрри билан учрашувларда сиёсий мулоқот кўламини янада кенгайтириш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашилди.

Америка томонининг таъкидлашича, АҚШ ҳукумати мамлакатимизда юз бераётган жадал ижобий ўзгаришларни олқишлайди. АҚШ экспертларининг фикрига кўра, айни ислоҳотлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланишнинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучига айланган.

Ҳукуматимиз делегацияси ва АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Адам Болер ўртасидаги учрашувда томонлар Адам Болернинг 29 июнь — 1 июль кунлари Ўзбекистонга ташрифи доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнини муҳокама қилди. Шунингдек, саноат, хизмат кўрсатиш ва инфратузилмани ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва янги технологияларни жалб қилиш бўйича шерикликни янада чуқурлаштириш истиқболи белгилаб олинди.

Афғонистон инфратузилмасини яхшилаш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш Ўзбекистон билан DFC ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим истиқболли йўналиши ҳисобланади. Шу маънода, томонлар жорий йилнинг май ойида бошланган “Ўзбекистон — АҚШ — Афғонистон” уч томонлама ҳамкорлик шакли доирасида мулоқотни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

**ЎзА мухбири Ғ. ХОННАЗАРОВ тайёрлади.**

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

◄1

Конституциямизга кейинги йилларда киритилган тузатишлар билан давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайтирилди, давлатимизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда унинг имкониятлари кенгайтирилди. Айни пайтда, Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг принцип ҳамда тартиби ўзгартирилиши ҳукуматнинг ваколатларини янада кенгайтирди, унинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг халқ депутатлари Кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди.

Асосий Қонунимизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмларининг мустаҳкамлангани фуқароларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда қатнашиш имкониятларини кенгайтириш баробарида, ҳокимиятни демократик модернизациялашда улкан аҳамият касб этди.

Буларнинг барчаси Конституциямизда мустаҳкамланган давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши тўғрисидаги қоидага тўлиқ жавоб беради ҳамда ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришга хизмат қилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан ҳимоя қилиш демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, истиқлол йилларида рўёбга чиқарилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ҳамда эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда ўтган давр мобайнида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ҳамда муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда амалдаги қонунчилигимизга инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Шу маънода ишонч билан айтишимиз мумкинки, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ҳамда ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб келмоқда. Мазкур сиёсатнинг амалий самарасини нафақат суд-ҳуқуқ, балки бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг юқори даражада таъминланишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Бош қомусимизда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиёт негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилган. Унга биноан истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлиги ҳисобга олиниб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган. Яъни хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ҳамда давлат ҳимоясида бўлиб, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу боис Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан жадал тараққий этаётган, иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларига эришган, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити тубдан яхшиланаётган, ҳаёт даражаси изчил юксалаётган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, Бош қомусимиз мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди ҳамда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тўлқин КАРИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЛАРИНИ БОШҚАРИШГА АСОСЛАНГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

## озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади





Алихон УТАРБЕКОВ олган суратлар.

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказига пресс-тур ташкил этилди.*

*Журналистлар марказда ўсимликлар, микроорганизмлар ва бошқа организмлар геномини ўрганиш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.*

## Пресс-тур

Жамият олдида турган долзарб масалалар ечимини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли Президентимиз ушбу соҳага катта эътибор бериб, илм-фан, таълим тизими ҳамда инновацион иқтисодиёт тараққиётини, улар ўртасидаги уйғунликни мустаҳкамлашни устувор мақсадлардан бири этиб белгилади.

Юртимизда жорий йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб номланиб, соҳа фидойиларига кенг шарт-шароитлар яратилгани бугун уларнинг қўлга киритаётган ютуқларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Геномика ва биоинформатика маркази фаолияти билан танишиб, бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Бу ерда соҳа заҳматкашлари қишлоқ хўжалиги экинлари геномининг структурасини тадқиқ этмоқда, хўжалик жиҳатдан самарадор бўлган генлар функциясининг биоинформатик таҳлилларини ўтказмоқда. Ген муҳандислиги ҳамда трансгеном технологиялари, маркерларга асосланган селекция, геном ва виртуал селекция дастурлари асосида стресс омилларга (совуққа, қурғоқчиликка) чидамли ўсимликларнинг янги навларини яратиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ғоят эътиборлидир.

Илм-фан масканида ҳозирги кунда 6 та лаборатория ва 2 та бўлим, яъни Персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини ўрганиш бўлими, шунингдек, генетик ўзгартирилган организмлар ҳамда уларнинг маҳсулотларини таҳлиллаш бўйича Миллий мувофиқлаштириш маркази фаолият юритади. Бундан ташқари, марказда махсус уруғчилик хўжалиги, иссиқхона, фитотрон ва гермоплазма объектлари мавжуд.

Марказ фаолияти билан танишиш жараёнида, ғўзанинг фитохром генлари учун яратилган "ген-нокаут" технологияси журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ушбу технология АҚШ, Хитой, Миср, Россия ва Ҳиндистонда патентланган, — дейди Геномика ва биоинформатика маркази директори ўринбосари Забардаст Бўриев. — Бундан ташқари, олинган халқаро патент ушбу технологияни 140 дан ортиқ мамлакатларда ҳимоя қилади. Ғўза геномидаги рекомбинацион блоклар, яъни авлоддан-авлодга кўчиб ўтадиган ген аллеллари тўпламии ўлчамларини топиб, замонавий тезкор "ассоциатив карталаштириш" усули ушбу ўсимликнинг қатор фойдали хусусиятларини ижобий томонга ўзгартирди. Натижада "оқ олтин"нинг толаси узун ва сифатли, эртапишар, серҳосил, қурғоқчилик ва шўрхокликка чидамли "Порлоқ" нави яратилди. Янги нав ўрта толали бўлишига қарамасдан унинг сифат кўрсаткичлари ингичка толали ғўза толасига деярли ўхшаш. Ҳозирги кунда бу нав республика бўйлаб далаларда кенг экилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлик, эртапишарлик, заракунанда ҳамда ҳашаротларга чидамлиликнинг намоён бўлишида иштирок этувчи генлари таркиби ва функцияси аниқлангандан сўнг мақсадга мувофиқ равишда ушбу генлар фаолиятини кучайтириш ёки аксинча тўхтатиш мумкин. Шу асосда марказ олимлари ғўзанинг серҳосил, тола сифати юқори ҳамда машинада теришга қулай "Равнақ-1" ва "Равнақ-2" навларини яратди. Ушбу турлар дунёда маркерларга асосланган селекция ёрдамида ишлаб чиқилган илк навлар ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу илмий изланишлар маҳсулини тижоратлаштириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Марказ илмий салоҳиятининг яна бир ютуғи — кўчатларни "In vitro" шароитида кўпайтиришдир. Мазкур микроклонал кўпайтириш технологияси мевали дарахт кўчатларини етиштиришда катта самара бермоқда. Бугунги кунда ушбу технология ёрдамида вируслардан холи ва соғломлаштирилган узум ҳамда анор кўчатлари кўпайтирилиб, фермерларга етказиб беріляпти.

Бугун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Айниқса, коронавирус пандемияси дунёда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, инсонларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, очарчиликни камайтиришдек энг муҳим ва мураккаб вазифаларни инсоният олдига қўйди.

БМТ ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидлаяпти. Ушбу нуфузли ташкилот маълумотларига кўра, ҳозир жаҳон аҳолисининг 815 миллион нафари оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу сон 2 миллиардга етиши мумкин. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқаётир.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тан олиш керак, бутун жаҳонда озиқ-овқат товарларига эҳтиёжлар мунтазам ортиб бормоқда, ресурслар эса чегараланган. Ана шундай мураккаб шароитда қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этиш маҳсулотлар тури ва сифатини оширишга, ҳосилдорликни кўпайтиришга хизмат қилади.

Марказ олимлари яратган буғдойнинг "Баркамол" нави ана шу жиҳатдан ниҳоятда самаралидир. Бу буғдой нави маҳаллий буғдойнинг фитохром А1 генининг фаолиятини "ген-нокаут" технологияси ёрдамида сусайтириш орқали олинган. Бунинг натижасида янги яратилган буғдой навида ҳосилдорлик 30 фоизга кўтарилган. Ҳозирги кунда ушбу интеллектуал мулк ҳосиласи навсинаш жараёнида.

Олимларимиз "иккинчи нон" сифатида эъзозланадиган картошканинг ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳам илмий изланишлар олиб бормоқда. Ушбу ишларнинг натижаси ўлароқ картошканинг серҳосил ва эртапишар биотехнологик нави яратилди. Ўсимлик фитохром Б генининг фаолиятини "ген-нокаут" технологияси ёрдамида сусайтириш натижасида унинг ҳосилдорлигини 26 фоиз оширишга эришилди. Ҳозирги пайтда картошканинг янги навлари дала синовларидан ўтказилмоқда.

Сув етишмаслиги ва тупроқ шўрланиши республика қишлоқ хўжалигига зарар етказадиган муҳим омиллардан. Бундан ташқари, эрта баҳордаги совуқ ҳам ҳосилнинг йўқотилишига олиб келади. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда марказ олимлари ғўзанинг эскимо генини ўчириш ("нокаут" қилиш) орқали янги навини яратди. Аҳамиятлиси, янги нав бир вақтнинг ўзида ҳам қурғоқчиликка, ҳам шўрхокликка, ҳам совуққа чидамли.

Шунингдек, олимларимиз ўсимликларни турли касалликлардан самарали ҳимоя қилишга қаратилган тадқиқотлар ҳам олиб боряпти. Жумладан, ғўзанинг фузариоз вилт касаллигига чидамли "Бардош" нави яратилди.

— Мазкур касаллик ҳар йили дунё бўйлаб ғўзанинг кўп миқдорда нобуд бўлишига олиб келади, — дейди марказ илмий ходими Тоҳир Норов. — Янги яратилган технология вилт замбуруғининг ғўза ичига киришига йўл қўймайди ва натижада ўсимлик касалланмайди. Бугунги кунда ғўзанинг фузариоз вилт касаллигига ўта чидамли "Бардош" нави давлат навсинаш комиссиясига топширилган.

Сирасини айтганда, марказда ўсимликлар генларини бошқаришга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижалар эса турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар ҳамда серҳосил ўсимликларнинг янги навларини яратишга хизмат қиляпти. Бу эса юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**









# ҒОЗҒОН МАРМАРИ ТОШЛАРДА АКС ЭТГАН САНЪАТ

◄1

Шунингдек, мармарни бир-бирига бириктириш учун улар "жинчкон" дея аталувчи таркиби мармар унсурларидан иборат бириктирувчи қоришманинг ноёб турини қўллашгани тошдан хом ашё сифатида фойдаланиш кўламини янада кенгайтиради.

Ғозғон мармари тўқ кулранг, тутунранг, кўкимтир, қизғиш, оч қизғиш ва баъзи-баъзида нафис оқ ранглардан иборат ўзининг рангдорлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, совуқ ҳамда иссиққа чидамли, юз йилгача ҳам сифатини йўқотмайди. Таркибида темир моддаси камлиги сабаб занглaмайди, ёрилмайди.

## Нақш ҳам, бахт ҳам меҳнат билан

Ғозғон мармарининг ишловбоплиги қадим-қадимдан маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланган. Ҳудудда сангтарошлик ва меъморчиликнинг ўзига хос мактаби яратилган.

Шулардан бири машҳур уста Абдураҳим Турдиев сангтарошликни олий санъат даражасига кўтарган, у билан ғозғонликлар ҳақли равишда фахрланади. Уста қўлида сайқал топган санъат дурдоналари Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг муҳташам биноларини безаб турибди. Шунингдек, уста Абдураҳимга тегишли беш юздан ортиқ антиқа мармар лаганлар, сандал устига қўйиладиган махсус мослама, қувур ва ғаройиб тарновлар турли музейларнинг ноёб экспонати сифатида қадрланади.

Ғозғонлик Тоҳир уста Раҳимов тоштарошлар авлодидан бўлиб, мармарга ишлов бериш анъанасини давом эттириб келаётган сулоланинг саккизинчи авлоди.

— Мармардан ота-боболаримиз турли катталикдаги товоқлар, болалар учун ўйинчоқлар, аёллар учун турли зебу зийнатлар ҳам ясаганлар, — дейди сангтарош. — Афсуски, кейинги йилларда бу ҳунарга эътибор берилмай, борлари ҳам турли ёдгорликлар ясаш билангина чегараланиб қолди. Аслида мармар тошдан яратилган митти сувенирлар ҳам юртдошларимиз, ҳам хорижлик сайёҳлар учун бирдай жозибадор.

"Устоз — шогирд" анъаналари ҳар бир соҳанинг янада тараққий этиб, бардавом равнақ топишига ҳисса қўшади. Қўл ишини мукаммал ўрганган инсон эса ҳеч қачон панд емайди. Буни кейинги йилларда соҳага қизиқувчилар сони тобора ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

— Ҳунар кишининг зийнати, — дейди сенатор Дилбар Орзиева. — Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини ҳам белгилаб берди. Хусусан, ёшларни замонавий ва бозорталаб касбларга жалб этиш, кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизимини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини бериши билан эътиборга молик.

Ҳақиқатан ҳам, ҳунар ўрганиш ҳар қандай мамлакатда, ҳар қандай замонда аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб келган. Бунга Ғозғон мисолида тўхталсак, тошга ишлов беришни билмайдиган оиланинг ўзи йўқ. Бугун ғозғонлик ёшлар сангтарошлик ва ҳайкалтарошлик сиру синоатларини ўрганиб, нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар олиб ишлашмоқда.

Бундан эса "ҳунарлини иш излайди, ҳунарсиз эса иш ахтаради", деган хулосага келиш мумкин.

## Ҳудуд истиқболига қанот бўлган эзгу ташаббус

Ғозғон мармарининг саноат йўли билан қазиб олиниши ҳамда ишлов берилишига ўтган асрнинг 30-йилларида асос солинган. Бироқ узоқ йиллар ҳудуднинг табиий бойлиги харсанг кўринишида олиб кетилиб, собиқ иттифоқ ҳудудидаги мингдан ошиқ йирик қурилишларга етказиб берилган. Фақат ўтган асрнинг 60-йилларига келиб тошга ишлов бериш корхонаси барпо этилган ва унда харсангларнинг 43 фоизигина қайта ишланган. Бироқ ушбу корхона ускуналари технологик жиҳатдан анчайин ибтидоий бўлиб, ёзнинг қирқ даражали иссиғида тош қазиб олишдан тортиб, унга ишлов беришгача бўлган барча жараён қийинчилик билан кечгани рост. Маҳсулот сифатига келсак, қурилиш материаллари бозорида тошнинг сержилолигигина унинг рақобатбардошлигини таъминлаган холос.

Ғозғон шаҳри темир йўл тармоғидан (Бухоро — Самарқанд) 70 — 80, автойўлдан (Навоий — Нурота) 20 километр четда жойлашган. Мармарнинг харсанг кўринишида етказилиши ишлаб чиқарувчидан унинг нархини йўл харажати учун 25 — 30 фоизгача чегиришни тақозо этарди. Табиийки, тайёр маҳсулот ҳолида ҳам, боз устига алмисоқдан қолган технологиялар таннархни туширишга имкон бермасди. Бошқача айтганда, қадим тариху, қурилиш саноатида муҳим хом ашёга эга бу маскан нафақат йўл-транспорт коммуникациясидан, балки мамлакат раҳбариятининг ҳам узоқ йиллар эътиборидан четда қолиб келди.

— Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида Ғозғонда мармар ва гранитга асосланган қурилиш материаллари саноати базасини ташкил этиш, юқори инфратизимга эга саноат шаҳрига асос солиш, ҳудудни комплекс ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги режасини ишлаб чиқиш ғоясини илгари сурди, — дейди вилоят ҳокими Қобул Турсунов. — Ушбу ғоя ҳамда 2019 йил 12 март куни ўтказилган йиғилиш баёнига асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўша йили 2 майдаги "Навоий вилояти Нурота тумани Ғозғон шаҳарчасини Ғозғон шаҳри этиб ўзгартириш, Ғозғон шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 3 майдаги "Навоий вилояти Нурота тумани Ғозғон шаҳарчасини Ғозғон шаҳри этиб ўзгартириш, Ғозғон шаҳрини вилоят буйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги қарори билан Навоий вилояти таркибида Ғозғон шаҳри ташкил этилди.

Ғозғон шаҳрига Нурота туманидан 59 минг 413 гектар ер майдони ўтказилди (шундан экин ер майдони 821 гектар, сувли ер майдони 295 гектар, лалми ерлар 526 гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 25 гектар, яйлов майдони 54 минг 56 гектар, томорқа ер майдони 321 гектар, ўрмонзорлар 2 гектар ва бошқа ер майдонлари 4 минг 188 гектарни ташкил этади).

## Кластер — имконият ва тараққиёт омили

Ғозғон шаҳри ҳудуди жуда катта имкониятларга эга. Бугунги кунда фойдаланилмасдан турган 31,0 миллион метр куб мармар ва 104,1 миллион метр куб гранит конларида камида 150 йилга етадиган захира мавжуд.

Бундан ташқари, ҳали аниқланмаган табиий бойликларнинг тури ва ҳажми ўрганилса, ушбу рақамлар салмоғи янада ортиши табиий.

Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги "2019 — 2021 йилларда Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, ижрога қаратилди. Дастурга мувофиқ саноат соҳаларини ривожлантириш йўналишида "Мармаробод" МЧЖ кластернинг асосий бўғини, яъни табиий тошларни қазиб олиб, қайта ишловчиларни зарур хом ашё билан таъминловчи корхона этиб белгиланди.

2019-2020 ва 2021-2022 йилларга мўлжалланган икки босқичли, жами 64 лойиҳадан иборат инвестицион режалар мажмуи тасдиқланди. Унга кўра, мармар ҳамда гранит қазиб олиш ҳажми қарийб тўрт, қайта ишлаш ҳажми эса беш бараварга оширилиши режалаштирилган.

Шу асосда "Gazgan stone", "Gazgan stone invest", "Granit indutry technology", "Kamalak stone", "Nurota mramor indutry", "Maston indutry", "Yashnarbek charosxon", "Уста зикриё", "Ниёзали", "Ишонч гилам", "Мирзо Шоҳрух", "Файзи жўра" каби жами 14 та МЧЖ томонидан биринчи босқичда 52 миллион, иккинчи босқичда 145 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш тасдиқланди. Миллий банкнинг 4 миллион долларлик имтиёзли маблағлари ҳисобига Хитой давлатидан замонавий ускуналар келтирилиб, хитойлик мутахассислар иштирокида ишлаб чиқаришга муваффақиятли мослаштирилди.

— Қишлоғимиздаги кончилик саноати касб-ҳунар коллежини тугатганман, — дейди тош кесиш станоги оператори Дилшодбек Кенжаев. — Ўқиш даврида бундай дастгоҳлар тўғрисида эшитган эдик, холос. Уларни бошқаришни хитойлик мутахассислар ёрдамида ўзлаштириб олдик.

— Корхонамизнинг дастлабки лойиҳаси 2019 йилда ишга туширилган, — дейди "Gazgan invest" МЧЖ директори Отабек Қурбонов. — Унинг лойиҳалаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун Хитойнинг "Xiamen Eastern Pegasus LTD" компанияси билан технологик асбоб-ускуналар хариди бўйича шартнома тузилиб, қиймати 655 минг АҚШ долларига тенг ускуналар келтирилди.

Мазкур технологиялар ёрдамида кондан харсангларни кесиб олишдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнлар амалга оширилади. Улар 28 тоннагача бўлган юк кўтариш қувватига эга юклагич, ўта унумдор компрессор механизмлари ва тош кесиш, плиталарни силлиқлаш ҳамда плиталарни стандарт ва махсус буюртмага кўра кесиш станокларидан иборат.

Цеҳдаги станокларнинг деярли барчасида тошга компьютер дастурлари асосида ишлов берилади. Фрезер станогида эса плиталар лазер ёрдамида кесилади. Шунинг эвазига инсон омилига эҳтиёж қисқариб, бу маҳсулот таннархида ўз аксини топмоқда.

Ускуналар 70 минг метр куб тош қазиб олиш ва 1,2 миллион квадрат метр тошни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирги кунда "Мармаробод" МЧЖга тегишли 2 та карьерда *(Пашшот, Парғат)* янги ускуналарда гранит тошларни замонавий усулларда қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, МЧЖ ҳудудида майдони 11 минг квадрат метр бўлган асосий бино ва яна ўнта кичик лойиҳа бинолари қурилиши якунланди. Ушбу биноларга ускуналар имтиёзли кредитлар асосида келтирилиб, лойиҳа ишга тушгач улар 10 та маҳаллий тадбиркорга тайёр бизнес сифатида сотилади.

## Тоштарошликка иштиёқи бор киши, албатта, Ғозғонга келади

Ғозғонни, ҳақиқатан ҳам, бугун чинакам қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Шаҳар замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида бутунлай янги қиёфа касб этмоқда. 19 километрдан тоза ичимлик суви келтирилиб, айни пайтда 12 километрлик йўлда асфальтлаш ишлари олиб борилаётир.

Юқори тезликдаги интернет, 100 ўринли оилавий поликлиника ишга туширилди. Маъмурий бинолар, маданий-маиший иншоотлар бунёд этилмоқда. Шунингдек, 9 та янги кон очилиб, илғор қазиш ускуналари келтирилди. Натижада 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилиб, қўшимча йиллик 72 минг куб метр маҳсулот қазиб олиш имконига эга бўлинди.

— Изланиш натижасида яқинда Ғозғон кенгликларида гранитнинг ўта ноёб яна бир тури топилди, — дейди тажрибали тадбиркор Суннат Ҳусаинов. — Тим қора рангдаги "габро гранит", деб аталувчи бу тур шу пайтгача фақат Украина заминида учрарди. Бугунги кунда мазкур тошнинг захираларини ўрганиш, хулоса олиш ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу қўшимча иш ўрни, янги технология ва янги инвестиция дегани.

Ғозғон шаҳрида нафақат кон саноати корхоналарини ривожлантириш, балки хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда 100 ўринлик тикувчилик фабрикаси қуриб фойдаланишга топширилди ва айни пайтгача 300 минг долларлик маҳсулотлар экспортга чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида қабул қилинган қарорлар ижросининг тўлиқ таъминланиши Ғозғонда 10 мингта иш ўрни яратиш имконини беради. Бугунги кунда шаҳар аҳолиси салкам саккиз ярим минг кишини ташкил этишини инобатга олсак, яқин келажакда Ғозғон меҳнат ресурслари жалб этувчи ҳудудга айланиши муқаррар.

Албатта, мазкур омил шаҳардаги 1,6 мингдан зиёд хонадонларда истиқомат қилувчи 2,4 мингта оиланинг яшаш шароитларини яхшилаш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда муҳим асос бўлмоқда.

...Бугун Ғозғонда ана шундай эзгу ишлар амалга оширилаётир.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҚУРИЛИШНИНГ ҚАЛДИРҒОЧ КЛАСТЕРИ

## нафақат самарали, балки ўрнак ҳам бўлиши керак



1

### Ягона марказий нуқта

Хўш, бундай прагматик ва конструктив янгиланиш жараёнларини ягона марказий нуқтада бирлаштириш мумкинми? Албатта, мумкин.

Ўзбекистонда қисқа муддат ичида айнан мана шундай машаққатли, аммо шарафли ҳамда масъулиятли вазифа ижросини таъминлаш учун пойдевор яратилди. Бунда ҳам билимларга асосланган, ҳам амалий жиҳатдан дунёнинг илғор давлатларида улкан самара бериб келаётган бир тамойил йўл кўрсатувчи маёқ сифатида танлаб олинди. Уни бугун кўпчилигимиз кластер номи билан биламиз. Шу асосда илм-фан янгиликлари ва ишлаб чиқариш ўзаро ҳамоҳанглик касб этяпти, олиму талабаларнинг амалиётчилар ҳамда тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда. Бу борадаги тегишли ҳуқуқий-ташкилий институтлар такомиллаштириляпти. Нега?

Чунки Ўзбекистонда иқтисодиётни ташкил қилишнинг кластер моделига ўтилиши қатор ижтимоий муаммоларни енгиб ўтиш баробарида, юқори кўрсаткичли маҳсулдорликка эришишда қўл келмоқда. Бу ҳаётда ҳам ўз тасдиғини топиб улгурди.

Мана, масалан, пахтачилик кластерларини олайлик. Айнан шу усул орқали бир пайтлари ўз режасини бажара олмай, қишли-қировли кунларга қолиб кетган туманлар бугун етакчилар қаторида. Буни бу йил Тошкент вилоятидаги Қуйи Чирчиқ тумани мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Энг муҳими, кластер шарофати билан нафақат фермер ва деҳқонларнинг, балки ўша ҳудудда иш билан таъминланган аҳолининг ҳам даромадлари кўтариляпти, ишсизлик даражаси камаймоқда.

### Икки хил ёндашув — битта тасдиқ

Шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, яна бир савол туғилади: "Кластер тизимини бошқа жабҳаларга ҳам жорий этса бўладими?"

Бунга бир сўз билан "шубҳасиз, ҳа", деб жавоб бериш мумкин. Бинобарин, бугунги кунда Ўзбекистон улкан бунёдкорлик майдонига айланганини инобатга олинса, айнан қурилиш индустриясида кластер истиқболлари ёрқин намоён бўлади. Эришилажак натижалар ҳам шунга яраша салмоқ касб этишини эса англаш қийин эмас.

Эътиборлиси, мазкур ёндашувни масаланинг бошқа тарафи ҳам тасдиқлайди. Яъни қаердаки улкан ҳажмдаги қурилиш ишлари кетаётган бўлса, бу ўша жойдаги иқтисодий барқарорликдан далолат беради. Зотан, қайси мамлакатда иморатсозлик ҳажми катта бўлса, айниқса, аҳоли учун уй-жой барпо этиш кўлами кенгайса, демак, у барқарор ривожланиш йўлидан боряпти.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь — октябрь ойларида Ўзбекистонда жами 71 триллион 858,0 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2019 йилнинг мос давридагига нисбатан ўсиш суръати 109,1 фоизни ташкил этди.

Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 2 триллион 977,1 миллиард сўмлик, нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан 68 триллион 880,9 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг республикадаги улуши мос равишда 4,1 ва 95,9 фоизга тенг бўлди. Боз устига, ҳудудларда бўй чўзиб турган улкан "пўлат жирафа"лар — кранлар ҳамда бошқа техникалар ҳам саноатнинг аҳволи қандай эканлиги ҳақида аниқ тасаввур бера оладиган индикаторлардан бири ҳисобланади.

### Сифат ва инновация уйғунлашади

Юқоридаги рақамлар ва омилларнинг ўзиёқ қурилиш соҳаси давлат тараққиёти, одамлар турмуш даражасида нақадар катта ўрин тутишини кўрсатиб турибди.

Давлат раҳбари ҳам шу йил октябрь ойида Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрганида, соҳада кластер ташкил этиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас. Бу бугунги шиддатли ва кескин рақобат давр талабларига уйғун келадиган долзарб ташаббусдир. Боиси, бу таклиф ижроси нафақат бунёдкорлик миқёси, географияси, суръатлари ва айниқса, сифатини оширади, балки инновацион ҳамда технологик ютуқлардан фойдаланиш имкониятларини тубдан яхшилайди.

Демак, мамлакатда қурилиш кластерларининг пайдо бўлиши ҳар томонлама ўзини оқлаши баробарида, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимида учраётган муаммоларни бартараф этиш кафолатига айланади.

### Таълим амалиётдан узоқлашиб кетди

Бугунги кунда юртимизда қурилиш-архитектура соҳасида мутахассислар тайёрлаётган бир нечта олий таълим муассасалари фаолият олиб боряпти. Ушбу даргоҳларда архитекторлар, қурувчи муҳандислар ва бошқа турдош касблар эгалари етишиб чиқмоқда.

Аммо тан олиш керак, таълим жараёнлари инновацион қурилиш технологияларидан йироқлашиб кетган. Бошқача айтганда, замонавий қурилиш маданияти уларгача ҳамон етиб бормаган, десак, хато бўлмайди. Қолаверса, хорижий тажрибаларни қурилиш жабҳасига интеграция қилиш жуда суст бормоқда. Янада ачинарлиси, кейинги даврда тўғри келса-келмаса, ҳамма қурувчи бўлиб кетаётгандек. Кичик-кичик фирмалар ҳам бунёдкорлик билан шуғулланаётир. Уларнинг сони беш ёки ўнта эмас, балки юзларни ташкил қилади. Уларни бошқараётганларни, аслида эса ўта масъулиятли ишларни бажараётганларнинг барчасини ҳам қурувчилик касбини чуқур эгаллаган, соҳа мутахассиси, десак, қаттиқ янглишамиз.

> **Д**авлат раҳбари ҳам шу йил октябрь ойида Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрганида, соҳада кластер ташкил этиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас. Бу бугунги шиддатли ва кескин рақобат давр талабларига уйғун келадиган долзарб ташаббусдир. Боиси, бу таклиф ижроси нафақат бунёдкорлик микёси, географияси, суръатлари ва айниқса, сифатини оширади, балки инновацион ҳамда технологик ютуқлардан фойдаланиш имкониятларини тубдан яхшилайди. Демак, мамлакатда қурилиш кластерларининг пайдо бўлиши ҳар томонлама ўзини оқлаши баробарида, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимида учраётган муаммоларни бартараф этиш кафолатига айланади.

Келинг, шу ўринда бир оз чекиниш қиламиз. Бундан 30 — 40 йиллар олдин республиканинг барча ҳудудида йирик қурилиш ташкилотлари бўларди. Уларга ғоят жиддий вазифалар бериларди. Самарқанд мисолида оладиган бўлсак, вилоятда "Химстрой", "Трансстрой" каби жуда кучли моддий-техник базага, қудратли техникаларга эга қурилиш ташкилотлари бор эди.

Назаримда, улар ютуқларининг биринчи омили — мазкур ташкилотларда тажрибали, ўз ишининг ҳақиқий усталари ишлар эди. Ва ушбу мутахассисларнинг 70 — 80 фоизини доимий фаолият юритувчи ходимлар ташкил этарди. Ўқиган, малакага эга бўлган, тоифалари (разрядлари) бор ғишт терувчи, монтажчи, сувоқчи, бўёқчи кабилар шулар жумласидан. Яъни керакли мутахассисларнинг барчаси қурилиш ташкилотининг ўзида муқим шаклланган эди.

### Қуриш даллоллик қилиш дегани эмас

Юқорида "муқим" деган сўз бежиз таъкидланаётгани йўқ. Чунки ҳозир "ёмғирдан кейин чиққан қўзиқорин"дек кўпайиб кетаётган кичик қурилиш ташкилотларида барқарорлик йўқ, боз устига улар асл маслак қолиб, кўпроқ ўртакашга ўхшаб қолаётгани ҳам айни ҳақиқат. Сабаби улар буюртмачи топиб, шартнома тузиш билан шуғулланади, холос. Яъни буюртмачи ва кўчадан олиб келинадиган мардикорлар ўртасида даллолликдан нарига ўтмайди, муқим усталари йўқ. Айримлари техникани ҳам бировдан ижарага олади. Ўзида йўқ бўлгандан кейин, аҳвол шундан нарига ўтмаслиги ҳам рост.

Тендерлардаги таниш-билишчилик, пулларни ўзлаштириш ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Боз устига, шунча йиллар коллежларда турли касб эгаларини тайёрлаган бўлсак ҳам, бугун қурилиш ташкилотларига келиб ёлланаётган фуқароларимизнинг жуда кўп қисмининг қўлида ҳунари йўқ. Шунинг учун улар ҳар хил оғир ишларга жалб қилиняпти.

Тўғри, ишсизлик ва уни бартараф этиш тўғрисида жуда кўп гапирилмоқда, унинг олдини олиш учун зарур чоралар кўриляпти. Масалан, ҳозир ўзимизнинг Самарқанд давлат университетида ҳам қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Аммо бевосита гувоҳ бўлиб, сезяпмизки, пудратчи ташкилотларга юқори малакали қурувчи усталар етишмайди. Оддий айтганда, пудратчилар кўчадан кимнидир топиб келиб ишлатмоқда. Кўп ҳолларда бундай ёлланма ишчилар ё "устабузармон" бўлиб чиқади ёки зиммасидаги вазифани вақтида сифатли бажаришга ярамайди ёхуд сифатсиз ишлайди, тажриба етишмайди.

### Энг қисқа ва самарали йўл

Айнан мана шу оғриқли жиҳатлар ҳам мамлакатда йирик ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотларини кўпайтириш керак, деган хулосани беради. Бунга олиб борувчи энг қисқа ва самарали йўл эса жабҳада кластер тизимига ўтишдир.

Бу борада эса ҳатто икки ёки уч қутбли қурилиш кластерини ташкил этиш мумкин.

Унинг битта қутбидан, табиийки, таълим муассасалари жой олади. Масалан, буни вилоятимизда Самарқанд архитектура-қурилиш институтини ёки пойтахтда Тошкент архитектура-қурилиш институтини жалб этган ҳолда йўлга қўйиш мумкин. Бу айнан бугунги кун талаби, десак, айни ҳақиқат.

Боиси, юқорида қайд этилганидек, афсуски, юртимиздаги муҳандислик, архитектура йўналишларидаги олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан интеграцияси жуда кучсиз. Мутахассислар ҳам, олимлар ҳам, демакки, ўқув жараёнлари ҳам амалиётдан муайян даражада йироқлашган. Шу сабаб ҳам улар бугунги кундаги қурилиш технологияларини шогирдлари, талабаларига етказиб бера олмаяпти. Бу борада жиддий узилишлар мавжуд.

Иккинчи томондан эса қурилиш ташкилотларининг ўзлари ҳам илм-фан ютуқларидан анча олисда.

Олий таълим муассасалари билан қурилиш ташкилотлари негизида намунали кластерлар ташкил қилиш эса мазкур масалага ечим бўла олади. Буни йўлга қўйиш учун бугун шароит ҳам, вақт ҳам етарли, деб ўйлайман.

Бундай кластер таркибидан ихтисослаштирилган ОТМ, мустаҳкам моддий-техникага эга кўп тармоқли қурилиш ташкилоти, замонавий лойиҳалаш муассасаси, қурилиш индустриясининг айрим намуналари, тадқиқот лабораториялари жой олади.

### Эскича қолиплардан воз кечиш керак

Бу борада аграр ёки самара келтираётган бошқа соҳалардаги кластерлардан ўрнак ва намуна олиш мумкин. Айнан шу йўл республикадаги иккита ихтисослаштирилган олий ўқув юртини эскича фаолият ҳамда фикрлаш қолипидан чиқариш, уларда сақланиб қолаётган стереотипларни бузган ҳолда, янгича муҳит яратишга хизмат қилади.

Бунинг учун эса, энг аввало, соҳада олий таълим муассасалари ишлаб чиқариш тизимига жуда яқин бўлиши, таъбир жоиз бўлса, ўзаро эгиз тутиниши керак. Яъни ўқув даргоҳлари ишлаб чиқариш билан ҳам ташкилий, ҳам мазмунан ёнма-ён ишласа, ўзаро амалий интеграцион жараён таъминланади. Энг муҳими, иккала тармоқдаги биз бугун билган камчиликларни бартараф этиш тезлашади. Янгиликларга ташна самарали муҳит пайдо бўлади.

Бундан англашиладики, кластернинг иккинчи қутбида яхши базага эга қурилиш ташкилоти туради. Унинг таркибидан қурилиш материаллари ва жиҳозлари тайёрлаб берадиган корхоналар ҳам ўрин олиши лозим. Шундагина илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш бирбирини тўлдирувчи, тўйинтирувчи манбаларга айланади, ўзаро чамбарчас боғланади. Олий ўқув юрти мутахассиси соҳага бемалол кириб кетиш имкониятига эга бўлади, айни вазиятдан фарқли равишда ўз касбида иккиланиш бўлмайди, амалий масъулияти ошади, деб ўйлайман. Чунки барчаси бир тузилма остида бирлашади, гўёки аҳил оилага айланади. Олдингидан фарқли равишда таълим ва ишлаб чиқариш ўзаро тортишув кучи, бирбирини ушлаб турадиган қудратли оҳанраболар сингари ҳаёт майдонига чиқади.

Айни пайтда эса, яна бир бор таъкидлаш жоиз, бугунги олий муҳандислик таълими учун амалиёт етишмайди, ишлаб чиқаришдан анча кўча берида юрибди, дейиш мумкин.

### Саволлар кўп, жавоблар ҳаминқадар. Таклиф ҳам бор

"У ерда нима бўляпти, аҳвол қанақа? Ҳозирги меъёрий ҳужжатлар нимадан иборат? Қурилишнинг сифати қандай? Қилинаётган ишлар тўғрими-йўқми?" деган долзарб саволларга ҳам жавоблар ҳаминқадар. Тўғри, олий ўқув юртлари амалиётдан тўлиқ узилиб қолган, дейиш балки нотўғри бўлар. Лекин бу етарли ҳам, биз кутган даражада ҳам эмас. Иккинчи тарафдан ишлаб чиқаришда илм-фан ютуқларини қабул қилиш, ўзлаштириш даражаси ҳамон паст.

Бинобарин, институтлар негизида синов тариқасида, тажриба орттириш мақсадида яхши ўйланган қурилиш кластерини ташкил қилиш айни муддаодир. Унинг таркибида ўша қурилиш ташкилоти учун усталар, мутахассисларни тайёрлаб берадиган мактаб ҳам бўлиши керак. Улар коллежларга ўхшаб 2-3 йиллик, яъни узоқ муддатли эмас, балки 2 — 6 ойлик бўлиши даркор. Бу амалда ўзини исботлаган тажриба.

Гап шундаки, бир пайтлари йирик қурилиш ташкилотлари таркибида ўқув марказлари фаолият юритган. Уларга мактабни битириб, қурилиш соҳасида бирор ҳунарни эгаллайман, деган ёшлар қабул қилинар, қурилиш ташкилоти эса уларнинг таъминотини тўлиғича ўз зиммасига оларди. Улар олти ой ёки бир йилга бормасдан яхши дурадгор, яхши ғишт терувчи, монтёр, пайвандловчи, электрик бўлиб чиқарди. Чунки мазкур ўқув марказларида кечаги бакалавр эмас, балки юқори малакали ишлаб чиқариш усталари дарс берар эди.

Бошқача айтганда, асосий муаллимлар қўлида ҳунари, малакаси бўлган юқори разрядли мутахассислардан иборат эди. Табиийки, дарсларда урғу, биринчи навбатда, назарияга эмас, амалий тажрибани ўргатишга қаратиларди. Якунда ўрганувчиларнинг кўрсаткичларига қараб тоифа берилган. Ҳаётда синовдан ўтган мана шундай тажрибаларни қайта тиклаш ва ўзлаштириш эса зарар қилмайди, деб ҳисоблайман.

Таълим ва ишлаб чиқаришни ўзида мужассам этган қурилиш кластери эса нафақат олий таълим муассасаси, балки унинг таркибидаги техникумлар фаолияти самарадорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Шу асосда ўрта бўғин техник ходимлари ҳам етказиб берилади.

Мактаб эса бевосита қурилиш ташкилотининг қошида бўлади. Унда қурилиш ташкилоти ўзи учун уста тайёрлайди. Ҳозирги кунда эса қурилиш ташкилотларининг аксарияти кўчадан, аниқроқ айтганда, дуч келганни олиб келиб ишлатмоқда. Оқибатда ишсиз деб ҳисобланган ёшлар кўп бўлишига қарамай қурилиш ташкилотлари юқори малакали усталарга эҳтиёж сезаётгани ҳам бор гап.

### Малакали ишчи бировга қарам бўлмайди

Нима учун шундай? Нега ҳамон бизда ишсизлик кўп деймиз?

Бунинг асосий сабабларидан бири — ўша ишсиз деб ҳисобланган одамларга меҳнат бозорида талабгир бўлган юқори малакани бериш тизими кучсиз, саёз ва нобопдир. Ҳолбуки, бугунги кунда қурилиш тизимининг ўзида қанча одамни банд қилса бўлади.

Ҳозир бунёдкорлик ишлари кетмаётган бирорта шаҳар, туман, ҳудуднинг ўзи йўқ. Қолаверса, фуқароларимиз самарали кластер тизими ёрдамида яхши ҳунарни эгаллагандан кейин қайси чет мамлакатга борса ҳам, ҳунари билан кўчада қолмайди — дуч келган юмушни бажармайди. Касбига мувофиқ юқори тоифадаги вазифаларни бажариб, яхши маош олади, бировга қарам бўлмайди.

Бинобарин, мазкур долзарб масалани кўриб чиқиш ва унга ечим топиш вақти аллақачон етиб келган. Бунга эса қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, тоғ-кон саноати қатори қурилиш индустриясида ҳам кластер тизимини йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин. Шу асосда нафақат маҳаллий доирада рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, хорижнинг илғор технологияларини ўрганиш ҳамда ўзлаштириш самарадорлиги ошади, балки ижтимоий бандлик сифатли таъминланади, жаҳон талабларига мос, инновацион ва узоқ муддат халққа хизмат қиладиган инфратузилмалар кўпаяди. Яъни соҳа қаддини ростлаб, ёрқин истиқбол сари дадил кириб боради.

Бунинг учун эса яна бир бор таъкидлаш ўринли, дастлабки қадам соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юртларининг бири негизида тўлиқ давлат тасарруфидаги, намунавий қурилиш кластерини ташкил этиш ҳисобланади. Мазкур қалдирғоч кластер эса назария ва амалиётни ўзаро уйғунлаштирган замонавий қурилиш маданиятини шакллантириб, олий техник таълим турлари мазмун-моҳиятини ҳам тубдан янгилайдики, токи юртимиздаги бошқа қурилиш ташкилотлари унинг фаолиятидан ўрнак олсин.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори, сенатор.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ ҚАНЧА?

*Бу каби саволларга кеча пойтахтимизда мамлакатимиз Марказий банки томонидан "Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи" мавзуида уюштирилган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.*

*Хўш, Ўзбекистоннинг ташқи қарзи қанча?*

## Тадбир

Тадбирда таъкидланишича, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига, яъни 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи 27,6 миллиард долларни ташкил этмоқда. Бунинг 10,1 миллиард доллари хусусий, 17,5 миллиард доллари давлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, товарлар савдоси бўйича ташқи савдо айланмасида экспорт 5,2 миллиард доллар, импорт эса 8,6 миллиард долларга етган. Ҳар икки ҳолатда камайиш кузатилган.

Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, вазирлик ҳамда идоралар фаолияти, соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳамиятини ёритиш мақсадида уюштирилган анжуманда қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, 2018 йилдан бошлаб Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи кўрсаткичлари шакллантирилиб, Халқаро валюта жамғармаси томонидан қабул қилинган форматларда ҳар чоракда мунтазам Марказий банкнинг веб-сайтида жойлаштириб борилмоқда.

Ушбу йўналишдаги кўникмаларни ривожлантириш ҳамда маълумотларнинг халқаро қабул қилинган қўлланмаларга мувофиқ тузилишини таъминлаш мақсадида бугунги кунга қадар Халқаро валюта жамғармасининг тўртта техник кўмак миссияси жалб қилинди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзига оид 2020 йилгача бўлган 6 йиллик статистик маълумотлар қайта тузилди, маълумотларни шакллантириш жараёнларини жаҳон андозаларига мувофиқлаштиришга эришилди.

Маълумотларни шакллантириш жараёнининг жаҳон андозаларига мослиги таъминланиши уларга бўлган ишончни ошириб, Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи статистикасидан халқаро ташкилотлар фойдаланишига замин яратади.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 августдаги қарори ижроси доирасида Марказий банк ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Ушбу ишларни самарали уюштириш мақсадида шу йилнинг 9 — 20 ноябрь кунлари Халқаро валюта жамғармасининг навбатдаги техник кўмак миссияси ҳам жалб қилинди.

Қайд этганимиздек, анжуманда 2020 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи тўғрисидаги ҳисобот тақдим қилинди. Унга кўра, шу даврда Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси кўрсаткичларининг шаклланишига жаҳонда COVID-19 пандемияси билан боғлиқ ички ҳамда ташқи бозордаги ўзгаришлар, глобал бизнес фаолияти ўсишининг секинлашиши ва молиявий хатарларнинг ортиши, ташқи савдо айланмасининг пасайиши каби омиллар ўз таъсирини ўтказди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

# ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Тошкент шаҳрида озиқ-овқат таъминотини янада яхшилаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш мақсадида улгуржи харид қилиб, арзонлаштирилган нархларда қайта савдони ташкил этиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Муниципал активларни бошқариш маркази» ДУК бирламчи озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (мол ва қўй гўшти, картошка, пиёз, гуруч, ун, шакар, ўсимлик ёғи ҳамда бошқа турдаги) етказиб берувчи таъминотчи корхоналар билан очиқ танлов савдосини ўтказади.**

Танлов савдосида ғолиб бўлган корхона ҳамда ташкилотларга Тошкент шаҳар озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари асосида (ҳисобидан) товар нархининг 20 фоиз миқдоригача субсидия шаклида тўловлар амалга оширилади. Мазкур очиқ танлов савдосида қатнашиш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, чорвачилик ва деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда маҳсулот етказиб берувчи корхона ва ташкилотларни таклиф этамиз.

Савдода қатнашиш истагини билдирган танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг мавжудлиги;
2. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;
3. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
5. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танловда қатнашувчилар жорий йил 28 ноябрь куни соат 18.00 га қадар корхона номи, маҳсулот турлари ва ҳажми ҳамда нархлари кўрсатилган тартибда 2 та конвертга алоҳида-алоҳида солиб, муҳр ва имзоланган ҳолда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов шоҳкўчаси, 55-уй, 9-қават, 904-хона. Телефонлар: 97-712-94-16, 71-239-10-98.**

**Танлов савдоси 2020 йилнинг 30 ноябрь куни соат 16.00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони жамоаси девон масъул ходими Нодира Шотурсуновага волидаи муҳтарамаси **МАСТУРА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони жамоаси девон ходими Ҳилола Шермуҳамедовага падари бузруквори **РИХСИВОЙ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6